



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1974 йил 21 июндан ЧИҚА БОШЛАГАН • 27 август 1974 йил, сешанба • № 199 (15.979). Баҳоси 2 тийин.



ЮБИЛЕЙНИ МУНОСИЪ КУТИЪ ОЛАЙЛИК

20 августда бажардилар. Улар беш йилликнинг тўртинчи йили бўлиб охирига бажариш учун мусобадалашиб, сентябрь ойига қадар қўшмача суратда 390 минг сўмлик балиқ маҳсулотини реализация этишга қарор қилдилар.

Республика Озқ-овқат саноати министрилик қорхоналари ва ихтисослаштирилган совхозларнинг коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йилликни муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақани авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва унинг кўпчилиги энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан саккиз ойлик планини мuddатидан илгари, 21 августда бажардилар.

(ЎзТАГ).

Сирдарё область Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номи 10-совхоз механизаторлари 137 та терим машинасини масумга шайлаб қўйдилар. «Пўлат от» сўврийлари шу кунларда ўзларини биритилган агрегатларни, сўнгги синовдан ўтказмайдилар. Суратда: (чапда) тайёр «зангори, кема»лар, ўнда эса механик Т. Ширинбоев ва устакана бошлиги А. Штерцер ўртоллар.

А. Турраев фотолари.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Ғўшт ва сўт саноати министрлиги қорхоналарининг коллективлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йилликни муносабатлар билан кутиб олиш учун иштироб, реализация қилинадиган маҳсулот ҳажми ва буюмларнинг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан саккиз ойлик планини 19 августда бажардилар.

данидан олдин бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш саккиз ойлик планини бажарганликлари тўғрисида 20 августда рапорт бердилар. Ой охиригача планидан ташқари юз миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

Республика балиқ саноати қорхоналари ва балиқ овловчи қолхозларнинг балиқчилари, ишчилари, инженер-техник ходимлари маҳсулотни реализация қилиш саккиз ойлик топширигини мuddатидан аввал,

Республика пахта тозалаш саноатининг меҳнатчиларини беш йиллик топшириқларини мuddатидан олдин бажариш учун мусобақалашиб, маҳсулотни реализация қилиш саккиз ойлик планини бажарганликлари тўғрисида 20 августда рапорт бердилар. Ой охиригача планидан ташқари юз миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ
ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ ЙЎЛИДА

Колхозимиз пахтачиликка ихтисослаштирилган: 1500 гектар майдонда ғўза ўстироқдамиз. Давлат билан тузилган шартномага асосан гектаридан 25 центнердан пахта ҳосили этиш тирмоғимиз керак. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада қўшилиб, ҳосилдорликни 30 центнерга кўтариш мажбуриятини олганмиз.

Шу мақсад йўлида астойдил меҳнат қилмоқдамиз. Баҳорги қийинчиликларни енгиб, ғўзаларни агротехника қоидаларига асосан парваришлаб, ҳамма майдонларда юқори ҳосил этиш тирмоқдамиз. Яқинда сифат комиссияси аъзолари пахта пайдаларини бирма-бир кўздан кечириб чиқдилар. Уларнинг мулоҳазаси қувонarli бўлди. Ҳосил учун мажбуриятимизни ошириб бажариш имкониятини бердиган давлат беришмоқда. Шунинг ҳисобига олиб, ҳосилдорликни гектар бошига 35 центнерга етказиш ҳақида янги мажбурият қабул қилинди. Белгиланган йилда ҳар кандай шароитда ҳам янги мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз, айни кўзда шу йилнинг пахтаси билан беш йиллик планини тўрт йилда тўла адо этамиз.

Ана шундай яхши ният билан меҳнат қилиб турган бир пахтада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика колхозлари, совхозлари ва тайёрлов пунктларининг 1974 йилги пахта ҳосилини териб ва тайёрлашга ҳозирлиги тўғрисида»ги қарорини эълон қилинди. Бу қарорни пахтакор-механизаторларимизнинг йилги ҳисобига муҳофизат қилиб, шу асосда кенгайтирилган тадбирлар белгилади.

Чекангани сифатли ўтказдик. Аммо бу билан қаноатланмиш мумкин эмас. Маълумки, бу йил сув нам бўлди, бир қисм ғўзалар сувга яхши қонмади. Август ойига келиб, айниқса унинг иккинчи ярмида ишпоотларда сув қўлайиб қолди. Шунинг ҳисобига олиб, ғўзаларни сугоришни давом эттироқдамиз. Бунинг устига пахтазорларимизда даштлик ерлар бўлгани учун ўсимликнинг сувга бўлган талабини ортияпти. Кейинги кунларда ҳароратнинг кўтарилиши бу талабни янада оширяпти. Вазианти ҳисобига олиб, оз сув билан катта майдонларда ғўзаларни енгиб сугориш усулини қўллаялмиш.

Деҳқончилик жуда нозик иш, шу кунларда ғўзаларни сугоришда айниқса ҳушёр бўлимоқ керак. Ғўзалар июль ойидаги қабил қўл ворми билан сугорилса гўвбал кетади, оз норма билан сугорилса ҳосил нишонларини тўғиб юборади, қўсақлар-

нинг очилиши кечикади. Шунинг учун ҳам республика партия ва ҳукуматининг қароридан август ойида ғўзаларни сугоришга энг тажрибали деҳқонлар қўйилиши, сугориш ғўзаларининг талабини тўла ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши алоҳида уқтирилган. Урол Назиров, Анвар Мамадалиев, Ғўлдошхон Икромов, Нафис Илёсов каби сувчиларимиз ғўзаларни маромда сугориб, кўпроқ ҳосил тўплаши ва унинг этилишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ғўзаларнинг ҳосил шохлари ўсиб, бир-бирига киришиб ветди, универсалларнинг оралини қийинлаштириб қолди. Бунинг ҳам йўлини топиб, универсалларнинг иш органларига тўсиқлар ўрнатдик. Натияжада универсаллар меъёрида ишлаяпти, ҳосил нишонларини тўқимаяпти, шохлар сималяпти. Аясиқча, қатор оралини майин санданган учун ўсимлик танақисиди бор қўшни ҳосил нишонларини қўлайтиришга сарфляяпти.

Шу ўринда бир муҳим масалага тўхталиб ўтиш керак. Биз шу кунларда механизаторлардан июль ойидаги қабил қўп иш бажаришни талаб қила олмаймиш. Чунки, юқорида айтилганидек, универсалларнинг қатор оралида юриши анча қийинлашди қолди. Шундай экан, улардан ишонинг сифатига алоҳида эътибор беришни талаб қилмоғимиз керак.

Республика партия ва ҳукуматининг қароридан пахта йилгитермини ташкилий жиҳатдан уюшқонлик билан кутиб олиш муҳим вазифа эканлиги алоҳида таъкидланди. Бу мутлақо тўғри. Пахта терими мавсумий иш, вақтида отини қамчилаган деҳқон ютади, кечиккан деҳқон ютқазади. Биз шунинг ҳисобига олиб, йилгитермини қисқа фурсатда ўтказиш режаларини белгиладик.

Ҳар бир бригаданинг ғўзаларининг ҳолати ҳисобга олиниб, дефоляция ўтказиш мuddатини белгиладик, бу ишчи ҳар тул ғўзада икки-учта қўсақ очилганда бошлаб, бир ҳафтада тугаллашмиш, яъни қўсақларнинг 70 проценти очилиши билан машина теримини бошлаймиш. Шунга надар пайналлардаги бегона ўтларни бутунлай йўқотамиз, машиналар айланадиган майдонларини тайёрлаб қўямиз, марзалар, ўқариқларини текислаймиш. Хирмон жойлар, тош-тарозиларни тахт қилиб қўйдик.

Белгиланган йилда яъни ҳосилнинг 85 процинини «зангори кема»ларда териб олишни аламплаштиргамиз.

Султон ТУРСУНАЛИЕВ,
Тошкент область, Пискент районидagi Охунбобоев номи колхоз раиси.



ЎЗБЕКИСТОН МЕХМОНИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилатининг Осиё ва Тinch океан райони бўлича иқтисодий ва социал комиссиясининг иккинчи сессияси 26-27 август кунлари Тошкентда бўлган.

ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

АНДИЖОН, 26-август. (ЎзТАГ). Бугун меҳнатқилар депутатлари Андижон область Советининг сессияси бўлиб ўтди. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 50 йиллиги шарафига зим-

ТАШАББУСКОРЛАР ЙУҚЛАМАСИ МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

БИР САВОЛГА ТЎҚИЗ ЖАВОБ

Зиммага олган социалистик мажбуриятлар қандай бажаришмоқда! Сўз — Чирчиқдаги «Ўзбекиммаш» заводининг тонари Валентин МАМАЕВГА.

Мен оталиққа олган қўшни участкада қизиқ воқеа юз берди. Яқинда билим юртини битириб ишга келган ёш тоқари йилгитери уч-тўрт ҳамақасби ўртага олиб, жиддий гапашаётганда устидан чиқиб қолдим.

Бир беш йилликда икки беш йиллик топшириқларини бажариш бўйича бошланган ватанпарварлик ташаббусига ҳозирги кунда корхонаимизнинг йилгитеридан зияда ишчи қўшилиб ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги шу кунларда 1975-1976 йиллар ҳисобига иш бажармоқда. Маълумки, мен 1973 йилдаёқ беш йиллик топшириқларини ундаб, корхонамиз коллективи йилги ҳисобига қолган икки йил иккида яна бир беш йиллик топшириқини бажариш ҳақида зиммага оширилган мажбурият қабул қилганим. Менинг ва бошқа ташаббускорларнинг бундай юксак режаларини республика Компартияси Марказий Комитети маълумлаб, қарор қабул қилган эди. Шундан буён ўтган вақт иккида талаб муваффақиятларини қўлга киритдим. Белгиланган йилнинг етти ойида пландан ташқари тайёрланган олтита турбомашина, қарийб 40 минг сўмлик химия ускуналаридан менинг ҳам ози-қўяйи уллушим борлигидан фخرланаман. Заводимизда ишлаб чиқарилаётган «ТВ-175-1,6» маркали турбомашиналарнинг маънасида давлат сифат белгиси берилганини нур устига нур бўлди.



Ҳозир 1977 йилнинг май ойи ҳисобига маҳсулот тайёрлашган. Ҳўш, бунга қандай эришдик! Аввало, бу иш соватдан, дастгоҳим ҳаракатидан рационал фойдаланишни қўлга кўйганимиз шарт. Тезкорлик, тадбиркорлик, энди ва пухта ҳаракат — тоқарлик қасбининг муҳим шартларидан. Заводимиз маъмурияти менга катта ишонч билдириб, шахсий тамга билан деталь тайёрлаш ҳуқуқини берган. Қўлимдан ўтган деталлар техника назорати бўлимидан биринчи ўтказишда қабул қилинади ва реализацияга жўнатилади. Корхонамизнинг кўпчилиги ишлари мен ишлаётган участкага тез-тез келиб туришади. Шахсий тамга билан деталь тайёрлаш сир-асрорларини сўрашди. Бўш вақтларимда уларни атрофимга йиғиб, ўз тажрибаларим ҳақида гапириб бераман. Станогимда деталларни нуқсонсиз тайёрлаш усулларини эришмай амалда қўриштириб тураман. Улар ўз иш жойларига қайтишаркан, қўлларини қўқсалаб қўйиб «Ҳаҳам, устоз!» дейишади. Бошим кўкка етгандай бўлади. Дунда бундан ҳам юксакроқ бехт бўлмас керак.

ДОН—ДАВЛАТГА

Дон тайёрлашнинг бориши тўғрисида йил 26 августга бўлган

МАЪЛУМОТ	БИРИНЧИ СТУН	ОБЛАСТЛАР:
Иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган дон (тонна ҳисобидан); учинчи стун — топшириққа нисбатан	стун	процент
Бухоро	16829	86,6
Қашқадарё	53281	66,6
Андижон	18983	61,2
Самарқанд	31712	52,8
Фарғона	11465	45,6
Сурхондарё	15862	39,6
Жиззах	32191	33,9
Тошкент	22146	31,2
Наманган	8236	23,5
Сирдарё	4366	10,4
ҚўқасСР	—	—
Хоразм	—	—
Республика бўйича:	215011	34,4

С О В Е Т Д Е Л Е Г А Ц И Я С И Н И Н Г В И З И Т И

БАҒДОД, 26 август. (ТАСС). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Р. Қўрбонов бошчилигида бу ерга келган Ўзбекистон Компартияси партия ходимлари делегацияси Ироқ деҳқонлар иттифоқи умумий федерацияси иккинчи бюросининг аъзолари билан учрашди.

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

ВОБКЕНТДА ХОТИРЖАМЛИК

яна 2 та «Ўзбекистон» маркали терим машинаси келтирилди. «Зангори кема»лар сон 17 тага етказилди. Колхоз деҳқонлари 1330 гектар майдоннинг 800 гектарини машина теримига ажратди. Пўл ва кўприклар, тош ва тарозилар мавсумга шай.

Афсуски, райондаги бошқа хўжалиқларда манзара бутунлай бошқача. Ғўза парваришида ишталаётган чопиқ тракторларининг кўпчилиги бир-чегта қантариб қўйилган. Экинни сугориш, айниқса «шарбат»га қондирш ачинарди аҳволда. Пахта йилгитеримизга, хусусан, машина теримига тайёргарлик қилинганмиш олиб бориляпти. Ленин номи колхозда машина теримига мулкжалланган майдонлар бегона ўтдан тозаланган. Ғўза чанқатиб қўйилган ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Колхоз устаконасида 15 та терим машинасининг талай қисми, трактор тежасалари, кўрак узиш ва кўрак қувиш машиналарини ремонтдан чиқаришган эмас.

Бундай аҳволни райондаги Тельман номи, «Пахтакор», «В. И. Ленин 100 йиллиги» колхозларида ҳам учратиш мумкин.

Районда бу йил 13 минг тонна пахта машина бункерлардан тўқилди керак. Бунинг

учун 138 терим машинаси, 70 дан ортиқ кўрак теридиган, 66 та кўрак қувишдан агрегатлар, 34 та тўқилган пахта теридаги механизаторлар мавсумга тахт қилиб қўйилиши лозим. Бирок, «Уасельхозтехника» райони бирлашмаси, колхоз устаконалари коллективларининг маъсулиятсизлиги тўғрисида техника режонти ўзда-жулда. Бир қатор хўжалиқларда белгиланган терим техникаси ремонт устаконаларига келтирилмаган.

Район партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалиқ органларининг раҳбарларини машина теримига тайёргарлик ишлари билан жиддий шугуланишлари, содир бўлган қамчилик ва нуқсонларини тугатиш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқариш зарур. Бунинг учун эса районда барча имконият ва шарт-шароитлар етарли.

сиз, айгит? — дедим айбор ёш тоқари.

— Валентин амаки, шилгитимдан шу машинасозлик қасбини орау қилардим. Нима буюрсанлар, йўқ демайман. Билим юртида ўқиган кезларимда таъсирлиб юрган кимга пушаймоним. Энди бракка йўл қўқмасликка сўз бермаман, ишонинглар, — иптисос қилди у. Унинг гапрат қайнаб турган микти мусосисига, қатъийлик аломати намоён хечрасига синчқовлик билан назар солдим. «Иш ўрганса, эппаб кетадиган ичигида ўхшайди» деб ўйладим йилгитери. Уни ўзимга шогирд қилиб олишга қарор қилдим. Кўп остигиде икки та шогирд бўлишига қарамай, шундай қилишга мажбур бўлдим. Чунки одам боласи қасб-қорли бўлиб тўғилмайди-ку, ахир. Еш ишчиларга меҳрибонлик қўрсатиб, уларни тўғри йўлга солмасан, ўз тажрибаларимизни ўртага тарбияламасан — келажакда заводимизни ким бошқаради. Мен кўпинча ана шулар ҳақида ўйлайман. Корхонамизнинг бўлажак кадрлари тўғрисида қайгураман. Ишчиларга машинасозлик қасбини ўргангани энг муҳим вазифалардан бири деб биламан.

Биз — тўққиз ташаббускор ишчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетиде ўз зиммага олган социалистик мажбуриятларини қандай бажараятишимиз ҳақида ҳисоб берганимизда, мен шулар тўғрисида ҳам гапирдим. Чунки ишларга қасб-қувар ўргатиш, уларга устозлик қилиш, заводимиз учун малекали кадрлар тайёрлаш — шу куннинг энг муҳим талабларидан биридир. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган уч йил у етти ойида белгилангандан ошқича тўрт нафар иш ишчига устозлик қилдим. Улар шу кунларда механика цехининг турли участкаларида ғайрат ва маҳорат кўрсатиб ишлаяпти. Тайёр-

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» муҳбир.

Район пахтакорларининг юбилей йили мажбуриятларини салмоқчи. Улар гектаридан олинган пахта ҳосилини 32,7 центнерга етказиб, давлатга 34 минг тонна дур топширишга қарор қилишган. Райондаги илгор хўжалиқларнинг пешқадам деҳқонлари табиий қийинчиликларни тадбиркорлик билан енгиб, ғўза парваришини кўп сайини кўчатирилмоқдалар. Ҳосилдорликни кўшмоқдалар. Калинин номи, «Заробшор», Энгельс номи хўжалиқларида ғўза парвариши пахта йилгитеримига тайёргарлик билан боғлаб олиб бориляпти.

Калинин номи колхоз ўтган йили ҳосилдорликни 35 центнерга етказди. Ҳосилнинг салкам 60 процини машиналарда териди. Бу йил 650 гектар майдонда ғўза машиналар билан ўстириш қонда. Мавзуд 19 та терим агрегати, 40 га яқин транспорт тежасалари ремонтдан чиқарилди. Энгельс номи колхоз трактор паркига яқинда

ЯНГИ ТАШАББУС ИЗИДАН

ИРОДА

«Генерал Узоқов номи 4-совхоз ташкил этилгандан буён ун икки йил ўтганига қарамай, ҳосилдорлик, деҳқончилик маданияти, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти ҳамон гоёт даражада оқибат ҳисобда...

ва жонқуяр киши керек эди. Ҳар икки хўжалик икки минг гектарлик пахта майдонларини 80—100 гектарга қадар қисқартиришга мажбур бўдилар. Хўжаликлар кичик бири бригада ҳолига келиб қолган эди.

Урта Осиё совхозлар курилиши ва ирригацияси бўйича қармис бошлигининг буйруғидан келтирилган шу кичик парча 4-совхоз ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти чинакам манзарасини белгилейди десак муболаға бўлмас.

қат миллион-миллион соф фойда ҳисобига пахта бермоқда. Лекин фактлар яшовчан бўлади. Шу тўғрисида Мирзақулнинг тўғич хўжалиқларидан бири бўлган Генерал Узоқов номи совхознинг 12 йил иқтисодий қийинчиликлар оғушида ўтган даврини тарих саҳифаларидан ҳеч қим ўчириб ташлаш олмайд.

Планетамизда

Барча қитъалардан хабарлар

СОФИЯ. Болгария энергетикари меҳнатда янги галабага эришдилар. Қозлоғу атом электр станциясининг биринчи турбинаси рекордди қисқа муддатда лойиҳадаги тўла қувватга эришди.

ПХЕНЬЯН. Бу ерда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукумати билан Монғолия Халқ Республикаси ҳукумати ўртасидаги ўтказилаётган иккинчи учрашуви қатнашчиларига табрик телеграммаси йўллади.

ПОРТУГАЛИЯДАГИ АҲВОЛГА ДОИР. ЛИССАБОН, 26 август. (ТАСС). Португалияда солиқ системасини ислоҳ этиш тўғрисидаги қонун кучга кирди.

МАОЧИЛАР ВА МАЙДА МИЛЛАТЛАР. УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монғолиянинг «Унэи» газетаси ўзининг редакцияси мақолада шундай деб ёзади: Мао Цзэ-дун бошчилигидаги майда буржуа ғаруҳ Хитой Компартиясида раҳбарликни қўлга олгандан кейин бир вақтлар Хитойнинг интернационалист-коммунистлари марксизм-ленинчи принциплар асосида ишлаб чиққан ва ХКПнинг биринчи съезидан қабул қилган партиянинг миллий масала ҳусусидаги сиёсати ўзгара бошлади.

ЖАҲОН БИР ҲАФТА ИЧИДА

НАТО ҚАРОРГОҲИДА САРОСИМАЛИК. ГАРБ МАТБОУТИ НАТОДАГИ МУАЙЯН ДОИРАЛАРИНИ ИЖОАТИ ВА ФАТХИАСИ БИЛАН КИПР ТАНГЛИГИ РЎЙ БЕРГАЛИГИНИ ҲОЗИР ОЧИҚАН-ОЧИҚ ТАН ОЛМОҚДА. Бу танглик ана шу блок раҳбарлари кутмаган бир қанча оқибатларга ҳам сабаб бўлди.

МУСТАҚИЛЛИК ТОНГИ. Гвинея-Бисау қарийб беш аср мобайнида мустақиллашчилар асоратида юртдан эди. Эндиликда ана шу асоратга чек қўйиш пайти келди. Португалиянинг янги ҳукумати Африкадаги ана шу мамлакатнинг мустақиллигини тавонганини эълон қилди.

ЭФИОПИЯДАГИ АҲВОЛ. МОГАДИШУ, 26 август. (ТАСС). Эфиопия радиосининг хабарига кўра, Эфиопия қуролли кучлари координация комитети император Хайле Селассие I га қарабди саройлар давлат мулки деб эълон этилишини хабар қилди.

МАМАЛАКАТДА ОЗОДЛИК КУРАНИ ДАВОМ ЭТАН. ИЛЛАРДА ЯНГИ ДАВЛАТ ТУЗУВИГА АСОС ҚЎЙИЛДИ. УТГАН ЙИЛ ТАШИҚ ТОНГАН МИЛЛИЙ ХАЛҚ МАЪЛИСИ ҚОНУН ЧИқАРУВИ ҲОКИМИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРМОҚДА. Қишлоқ йилларда халқ ҳокимиятини сўйлаб қўйилган оғирлар ишлаб туринибди. Бошланғич таълим системаси мамлакатнинг ифтихоридир.



Суратда: Будапешт шаҳрининг хушманзара жойларидан бирида қад кўтарган «Европа» меҳмонхонасини қўриб турибди. «Дустлик» поезди билан Венгрия Халқ Республикасида келган совет туристлари бу меҳмонхонанинг дастлабки меҳмонлари бўдилар.

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монғолиянинг «Унэи» газетаси ўзининг редакцияси мақолада шундай деб ёзади: Мао Цзэ-дун бошчилигидаги майда буржуа ғаруҳ Хитой Компартиясида раҳбарликни қўлга олгандан кейин бир вақтлар Хитойнинг интернационалист-коммунистлари марксизм-ленинчи принциплар асосида ишлаб чиққан ва ХКПнинг биринчи съезидан қабул қилган партиянинг миллий масала ҳусусидаги сиёсати ўзгара бошлади.

Суратда: Будапешт шаҳрининг хушманзара жойларидан бирида қад кўтарган «Европа» меҳмонхонасини қўриб турибди. «Дустлик» поезди билан Венгрия Халқ Республикасида келган совет туристлари бу меҳмонхонанинг дастлабки меҳмонлари бўдилар.

УЛАН-БАТОР, (ТАСС). Монғолиянинг «Унэи» газетаси ўзининг редакцияси мақолада шундай деб ёзади: Мао Цзэ-дун бошчилигидаги майда буржуа ғаруҳ Хитой Компартиясида раҳбарликни қўлга олгандан кейин бир вақтлар Хитойнинг интернационалист-коммунистлари марксизм-ленинчи принциплар асосида ишлаб чиққан ва ХКПнинг биринчи съезидан қабул қилган партиянинг миллий масала ҳусусидаги сиёсати ўзгара бошлади.

Е. ЕГОРОВ, В. СКВОРЦОВ. (ТАСС).

Советлар Мамлакатида

АЛДАР ҚУСА САҲНАДА

Қозоқ халқ эртакларининг қаҳрамони — ақшоқ Алдар қуса ҳақидаги афсона саҳнадан ўрин олди. Муқтор Авазов номли Қозоғистон академик драма театри

Ш. Хусановнинг «Алдар қуса» комедияси премьерасини кўрсатди.

Спектакль ўзининг ачиқ ҳазиллари ва ҳажвий кўшиқлари билан бойларининг таъзининг берган афсонавий аскиячи тарихини кўз

олдимизда гавдалантиради. Алдар қуса образини Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган артист С. Уразбоев яратди.

СТЕНДЛАРДА — СУРАТ ВА АКВАРЕЛЛАР

Смоленск расмолари сураат ва аквареллар кўргазмасига 150 га яқин асар кўйилди. Стендларга манзаралар, портретлар, китоб безаклари кўйилган.

Расм-В. Ружо Смоленск районидagi «Красный доброволец»

колхоз устaxonасида ишланган сураатлар туркуминин кўрсатмоқда. Бу — қишлоқ механизаторларининг меҳнати ҳақида яратилган ўзига хос репортаждир.

РАССОМЛАРГА ТУҲФА

Арманистон Рассомлар союзининг Варденисдаги янги ижодий уйи биринчи мўйқалам соҳибларини қабул қилди. Рассомлар уйининг ёруғ кенг корпуслари Севан кўлининг хушманзара соҳилида қад кўтарди.

Бу ерда мўйқалам ва ўймакорлик усталарининг дам олиши ва самарали ишлаши учун барча шароитлар яратилган. Рассомларнинг ихтиёрида икки кишилик шинам хоналар, кенг устaxonалар, кутубхона мавжуд. Ижодий уй эллик кишига мўлжалланган бўлиб, йил бўйи расмолар учун очик.

Ҳозир Анкаван посёлкасида яна бир ижодий уй қурилмоқда. Унда юздан зиёд расмом дам олиши ва ишлаши мумкин.

ИЖОДИЙ КУРГАЗМА

Сергей Герасимов, Мартирос Сарьян полотнолари, Владимир Цигаль ва бошқа машҳур усталар ишлаган ҳайкаллар, тасвирий санъат кўргазмасига кўйилди. Бу кўргазма Озарбайжоннинг санъат маркази — Сумгаитдаги картиналар галереясида очилди. 100 дан ортиқ асарини ўз ичига олган экспозиция мамлакатдаги миллий бадиий мактаблар вакиллариининг ижодини акс эттирган. Бу кўргазма шахар аҳолисида катта қизиқиш уйғотди. (ТАСС.)

ТЕЛЕВИДИЕНИЕ

БУГУН
Биринчи ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Телефильм. 10.40 — Оқариб кўрилар «Ўзбек элкан» (бадиий фильм). 12.00 — МОСКВА. 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Войсчан программаси. 19.05 — «Стандарт» ва «Спорт». 19.35 — «Алборот». 20.35 — Қишлоқ ҳўналиги билан «Халқ унвонлари». 21.15 — Телевизион театр. «Фавуст». 22.00 — МОСКВА. 22.30 — ТОШКЕНТ. «Фавуст» спектаклининг давом. 23.20 — Хўжалик фильмлари. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 16.15 — МОСКВА. 22.00 — ТОШКЕНТ. Хўжалик кинохонаси. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Ташкент аниқлашлари. 19.15 — Ресуд Гамазов (хўжалик фильм). 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — «Тошкент» телепрограммаси. 20.50 — «Катта йул» (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОЙИ НОМЛИ ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 27/VIИ да Чино-Чино-сан, 28/VIИ да Золушка.

ДАМАЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/VIИ да Йўлқон узук (қундуз соат 3 ва 7 лримда). 28/VIИ да Ой тутилган тунда.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА
Филлар — менинг дўстларим — САЙБАТ САРОНИ (11.15, 21.15), «ЧАПКА» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), (МОСКВА) (21.15). «СПУТНИК» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00). «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 21.00).
Макиннинг олтинлари — «3-БЕКНИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (10.30, 12.45, 15.00, 17.15, 19.30, 21.45), «СПУТНИК» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00), (ДРУЖБА). «ВОСТОК» (қундуз ва кечқурун).
Оқлахома — САҲЪАТ РАРОНИ (14.00, 16.00, 17.45, 19.30), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.30).

ЕЗГИ БИНОДА
Оқлахома — «ФЕСТИВАЛЬ».

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАҲРОҚ ОРДЕНИ КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ
Институтнинг Тошкент шаҳридаги ўқув-консултация пунктида ишлаш учун олий математика бўйича доцент вазифасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.
КОНКУРС МУДАТИ — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.
Хўжатлар қўйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар-104, Киев граждaн авиацияси инженерлари институтининг ўқув-консултация пункти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪБИНИ БУЙИЧА ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
68-ҚИШЛОҚ-ХУНАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1974-75 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУНИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БУЙИЧА ЮНОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЕРЛАДИ. 3 класс транзиторчилар, чорвачилик фўрмаларига механизаторлар (электромонитор), ихтисосини билан, сабаботчилик усталари, бағдорчилик (узумчилик) усталари.

ЎҚИШ МУДАТИ — 1 ЙИЛ.
15 ва undan катта ёшдаги 8-10 синф ҳаминда маълумотли йигит-қизлар қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР УЧ НАХАЛ БЕЛУЛ ИССИК ОВНАТ, ФОРМАЛИ ИКИМ-БИСО ВА ЁТХОНА БИЛАН ТАЪМИНланади.

Ўқувчиларга ҳар ойда 10-20 сўм миқдорда стипендия тўланади.

МАШҲУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Ўқишга кирувчилар қўйидаги хўжатларни топиширилар: зарур: директор томонига ариз, туғилганлиги тўриенида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида хўжат ва 3x4 см. катталлидаги 6 дона фотосурат, турар жойидан справка.

ХўЖАТЛАР ҲАР КУНИ ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН 17 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Қалинин район, «Келес» совхозы маркази (121-автобуснинг охириги бекети).

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалик министрлигининг «Ўзбекистон» бошқармасининг коллектив Бухоро шаҳар Қўқалам, эрлаштириш хўжалигида комбинатининг директори, республика миёнасидаги шахсий пенсия-овер

Ирискул Нисметович НИЗМЕТОВнинг вафот этганинигиз чуқур кайғу билан билирдилар ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ҚУРИЛИШИДАН РЕПОРТАЖ

СТАНЦИЯЛАРГА САЁХАТ

— Метроиз қандай бўларкин?
— Мамлакатимиздаги бошқа метрополитенлардан нимаси билан фарқ қилади?
— Учқур электрикларда маза қилиб юрадиган кунлар қачон келади?
— Станцияларнинг кўриниши, безаги ҳақида гапириб беролмайсизми?..

Редакциямизга келатган кўпгина хатларда ана шундай саволлар билан мурожаат қилинмоқда. Бундай мактублар фақат Тошкент шаҳридан эмас, балки Самарқанд, Бухородан ҳам, Фарғона, Урганчдан ҳам, Термиз, Уш, Душанба шаҳарларидан ҳам тез-тез келиб турибди. Бу, Урта Осиёда биринчи бўлиб қурилаётган ер ости саройига меҳнаткашлар нақадар қизиқибтганини кўрсатади. Бу сафар биз ана шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилдимиз.

«Собир Рахимов станциясида»миз. Тошкент метрополитени асосан шу ердан бошланади. Бу ердаги кўтарма қранлардан тортиб, тупроқ сураётган бўлбодозер, грейдерларга — ҳаммаси эрта-ю кеч тиним билмай ишлайпти. Станциянинг удкан саҳнида металл конструкциялар монтаж қилинмоқда. «Чилонзор» станциясига уланган ер ости туннелида электриклар кетма-кет қатнаб турибди. Улар забойга қурилиш материаллари, усуналар, арматуралар, конструкциялар ва бошқа асбоб-усуналар элтшишда, қайтишда эса вагонларни тўлгазиб тупроқ ортиб жўнади. Забойда туннель қазиб қизгин олиб борилаяпти. Йирк шчит конвейер машиналарининг пўлат кўраклари тош келса «кемириб», сув чиқса «симириб» ишламоқда. Станцияда прохадкичи, маркшейдер, механизатор, монтажчиларнинг катта отряди меҳнат қилмоқда. Яқинда бу ерга пойтахтимиз ўқув юртакларининг бир гурупа студентлари ҳам ердамга келишди. Қурилиш участкасида иш икки сменада ташкил этилган. Бригадалар коллективлари ўртасида социалистик мусобақа байроғи ҳар қачонгидан ҳам баланд кўтарилган.

— Шу йилнинг 20 февралдаги қувончли воқеа ҳеч эсдан чиқмайди, — деди «Туннельстрой» отряди бошлигининг ўринбосари Хамид Нисезович Зулфирович, — ўшанда «Чилонзор» станциясида жануби-ғарб сари ер остини қовлаб борувчилар Собир Рахимов станцияси қотловинини оцабтган экскаваторчилар билан учрашган эдилар. Тошкент метроси қурилишида бундай қувончли учрашувлар ҳали кўп бўлади. Эндиликда Тошкент метрополитени қурилиш маҳорат мактабига айланаяпти. Бу ерда бутунитфок рекорди қўйилди. Владимир Кожемякин, Иван Лисой, Стефан Воронин ўртоқлар бошқараётган прохадкичлар бригадалари мисли қўрилмаган тез сураётлар билан ишлаш ташаббусини бошлашди. Улар бошқараётган блок ётизувчи машина ойига нормадаги 75 погон метр ўрнига қарийб 153 погон метр блок ётизди. Бу ишда «ер ости штурманлари» деб ном олган маркшейдерлар прохадкичларга жуда аниқ йўл кўрсатиб турибди. Бу, жуда номақом иш. Градуснинг ўндан бир ўлишича едилсиз ҳам туннель йўналиши ўзанидан чиқиб кетиши мумкин. Йўл қўйилган ана шу кичкина камчилик метросозлар учун жуда қимматга тушиб кетади.

Неча минг сўмлаб капитал маблағларини ортиқча сарфланшига олиб келади.

Юзлари офтобда қорайган, баланд бўлиб, каскали йигит бизга яқинлашди. Бу участка маркшейдери А. Кантор экан. У станцияда шу кунларда қилинаётган ва қилинмоқчи бўлган ишлар ҳақида гапирди.

— Прохадкичларимиз ҳозир СССР 50 йиллиги номили станция томон туннель қазинишда давом этмоқдалар. 3-станцияда ҳам учрашув бўлишига узоқ эмас. Трассада қарийб 7 километрга перегон туннелига тўбинлар қоплаб чиқилди. Собир Рахимов станциясидан «Октябрь революцияси» станциясигача жами 12 километрдан ошиқ ер ости йўлига ана шундай тўбинлар қоплаб чиқилиши кўзда тутилган.

Тошкент — Иттифоқимизда тез сураётлар билан юксалётган йирк иқтисодий, илмий ва маданий марказлардан биридир. Ҳозир республикамиз пойтахтида 1,5 миллиондан ошиқ аҳоли истиқомат қилмоқда. Шунинг учун ҳам транспорт воситаларига бўлган ва кун сайин ўсиб бораётган эҳтиёжини янада тўлроқ қондириш мақсадида шаҳарда ер ости магистрала — метрополитен қуриш зарурати туғилди. Хўш, метронинг бошқа транспорт воситаларидан фарқи нимада? Фарқи шундаки, у ер остида жуда аниқ график бўйича ҳаракат қилади. Тошкентнинг бош панида умуий узунлиги қарийб 50 километрдан иборат бўлган ер ости темир йўли қуриш мўлжалланган. Бу йўл шаҳарнинг жануби-ғарб, шимоли-ғарб ва жануби-шарқ, шунингдек шимолий ва жанубий районларни шаҳар маркази билан бевосита боғлаб туради.

Метрополитенимиз қурилиш уч навбатга эга. Унинг биринчи навбати — тўққиз станциядан иборат. Шундан 7 та станция — Собир Рахимов, «Чилонзор», Ҳамза, «Комсомол», «Халқлар дўстлиги», «Пактор», «Октябрь революцияси» станциялари шу кунларда жадал сураётлар билан барпо қилинмоқда. У асосан Чилонзор массивининг 17-квартали районидан бошланиб, Революция хизбони станциясига бориб таялади. Келажакда бу трасса «Москва», «Комсом» станцияларидан ўтиб, «Тинчлик» станциясига етказилади. Трассининг бошланч қисмидаги Собир Рахимов станцияси архитектураси жиҳатдан ўзига хос қурилишга эга бўлади. Бу станциядан чиққан ер ости поезди Комсомол кўли раёони орқали «Пактор» стадиони, В. И. Ленин номили майдон, Октябрь революцияси хизбони, Пушкин кўчаси орқали Шестий хизбонига келади. Бу ерда «Тинчлик» станцияси қурилади. Станцияларнинг ер ости платформаларида ер юзига эскалаторлар ёрдамида чиқилади.

Метроизнинг биринчи навбати марказида жойлашган станция Ленин номили майдон, Пионерлар саройи районига жойлашади. Станцияга қираворшида В. И. Ленин номили майдон атрофида жойлашган муассасалар, қорхоналар, савдо ташкилотлари, маданий-маиший хизмат кўрсаткич муассасалари ва бошқа кўркем бинолар кўзга яққол ташланиб туради. Октябрь революцияси хизбонига қурилаётган станция эса 18 қаватли «Ўзбекистон» меҳмонхонасининг ўрг ёпишоқда жойлашади. Шундан кейин метро Пушкин ва Ҳамид Олимжон кўчалар



СУРАТЛАРДА: (юқоридан пастга) 1. Тошкент ер ости саройи қурилишида жонкуярлик кўрсатиб меҳнат қилаётган пешакардан элктр пайдаланчи Тамаара Попцова. 2. Метро қурилиш участкаларидан бириди ки нурадати кўприкчи Ибрагим Ибрагимов. 3. «Октябрь революцияси» станциясининг илгор қранчиси Валентина Норенченко. И. Глауберзон Фотолари.

ри бўйлаб давом этади. У ерда Москва станцияси қурилиб, атрофида республика муассасалари, олий ўқув юртаклари, «Почтамт», кўп қаватли уй-жой бинолари салат тўкиб туради. Станциядан — станциягача бўлган масофа ўртача 1,5-2 километрини ташкил этади.

Метрополитенимизни лойиҳалаштирган СССР Транспорт қурилиш министрлигининг «Метрогипротранс» институти илмий ходимлари мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларидаги метроларни барпо этиш даврида тўланган бой тажрибаларини таътиб этмоқдалар. Трасса, вестибюль, платформа ва станцияларни лойиҳалаштираётганда шахримизнинг ўзига хос сейсмик, гидрогеология, иқлим ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинган.

Тошкент метросининг станциялари, вестибюллари, платформалари, барча ер ости ва ер усти иншоотлари қурилишида замонавий техника ютуқлари билан миллий меҳорчилигимиз анъаналари бир-бирига уйғуллашиб кетади.

Метро қурилишида Ҳозгон мрамардан кенг фойдаланилади. Бундан ташқари Урал, Украина ва мамлакатимизнинг бошқа жойларидан ҳам турли хил рангдаги мрамарлар келтирилади. Монументал-тасвирий санъат воситалари метрополитенимизга ўзига хос бағишлайди. Чунотини, генерал Собир Рахимов номидаги станция безаклари ўзбек халқининг Улуу Ватан уруши йилларида фронтда кўрсатган жасорати ва матонати тўғрисида хўжа қилади. «Чилонзор» станциясида эса совет халқлари ўртасидаги бузимас қон-қардошлиқни акс эттирувчи тасвирлар ўрин олади. «Тинчлик» станциясининг шаффоф залларида халқлар ўртасида то-тувлик, бахтли ҳаёт, эркин меҳнат тасвир этилди.

Ҳамма станциялардаги ер ости платформалари метро поездининг узунлигига қараб, бўйи 100 ва эни 10 метр ўртаида лойиҳалаштирилган. Платформалар бешта вагон узунлигига мослаб қурилмоқда. Трассаларда ўрнатиладиган вентиляция қурилмалар ҳавонинг иссиқлик даражасини мўътадил сақлаб туради.

Тошкент метросининг биринчи навбати жадал сураётлар билан бунёд этилмоқда. Метросозларимиз Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига «Халқлар дўстлиги», Ҳамза ва «Октябрь революцияси» станцияларини пардозлашга топириш учун айнакиса зўр ғайрат кўрсатмоқдалар. Шу кунгача қурувчи ва монтажчилар 13 миллион сўмга яқин капитал маблағ унаштиришди. Бу кўзда тутилгандан анча зиёддир. Ҳамза станциясида монолит темир-бетон гулбаза монтаждан чиқарилади. «СССР 50 йиллиги» станцияси сари туннель қазиб бўлинди. «Октябрь революцияси» станциясида эса темир-бетон конструкциялар монтажи пўнига етказилмоқда. Электриклар алмашинадиган оборот туликлари тайёрланмоқда. «СССР 50 йиллиги» ва «Чилонзор» станциялари ўртасида очик усудда туннеллар барпо этилмоқда. Метросода бундай очик усудда қазилган туннеллар қарийб 7 километрга етади. Учқур ва озода электрикларга ишга тушведиган кунлар тобора яқинлашмоқда.

Тожиб УНАБОВ, Ҳошим ҚОДИРОВ, «Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

ТУНГИ „ОВЧИ“ ТАБИАТ ВА ИНСОН

Яқинда республика зоокомбинатининг топириги билан Келеса бордим. Аввалги йилларда ов қилган жойларимда битта ов қоракўрт учрамади. У жга излаб Келеса дарёси бўйидаги камшизорларга бориб қолдим. Бу йил ёз нисиб келгани учун қоракўртлар янаш жойини ўзгартриб сув бўйига кўчишибди. Овни ўнгидан кела бошлади. Ҳар бири бот бармоқдек келадиган қоракўртларни гугурт қутчасига базур жойлардим.

Бир пайт қизик воқеа юз берди. Кўз илгамас ардонига осилиб турган бир қоракўрт ерта тушди-да, қанич орасига яширилади. Меъ пинчот билан унинг танасини силаб бошладим. Шундан кейин у уясига қараб йўл

олди. От нидаги уяда қоракўрт оиласи гужон ўйнамоқда. ағрофда 5-6 «қоракўрт» айланиб юради. Пинчот билан биттасини ушлаб, гугурт қутчасига солдим. Иккинчисини жойлаштириб, танамда биринчисини қўтидан чиқиб кетди-да, билангида ўрмалай бошлади. Аъзон баданини бир паста совуқ тер босди. Нафасимни ютиб, нимир отмай туравердим. Елнамдан сакдир қоракўрт ўтди. Сўлак яқармоқчи бўлиб хурпайди. Ленин уни чаққонлик билан ушлаб гугурт қутчасига қамдим. . .

Қоракўрт — ўргимчанимонлар оиласига мансуб бўлиб, ўргимчакдан фанат тим қоралиги билан фарқ қилади. Уясини ўргимчакларга қараганда сийрак қилиб тўғийди. Қоракўрт Тошкент атрофидаги Охангор, Келес дарёлари ёқасида, Паркент, Бўстонлиқ районининг қир-адирларида, Жиззах, Бухоро, Қашқадар ёйловларида кўп учрайди. Улар кўнчиқа каламуш, юмроққонқиз уяларига, иссиқ кунларда эса сув бўйидаги ўт-уланларда, тўқайларда яшайди.

Қоракўрт чигирта, бешинтерват ва турли қурт-қумурсқа, ҳашоратларни ейди. У тухум қўйиб қўяди. Нар қоракўрт мода қоракўртга қараганда анча кичик, аммо захарили бўлади ва заҳад, молалари эса қамамайди. Қундузи нар қоракўртлар ул атрофини айланми, оиласини душмандан қўриқлайди. Кет кириши билан овга чиқади.

Қоракўрт захри қўйдан бошқа ҳамма ҳайвонларга таъсир этади. Тўқайзорлардаги қоракўртлар душманин кўрганда қанишга ўрмалайди-да, оғзидан сўлак чиқариб пуфлаб, душманнинг қаттиқ шикастлайди. Келесалар қоракўртни ажал кўрти деб бекорга айтишмаган. Қизик қоракўрт чаққанда нима учун ҳар қандай ҳайвон ўлади-ю, қўй уни эса семиртади? Илмий ташкилотлар топириги билан умр бўйи қоракўрт овланган, аммо табиатнинг бу ҳам мўъжизакор, ҳам бағали сирига асно тушуна олмайдим. Эҳтимол бу ҳақда мутахассис ва олимларимиз ўз фикрини айтар?

Г. КОЛЬЦОВ, овчи — таксадермист.

И. М. ФЕДОРЕНКО



Ўзбекистон ССР маданият министрлигининг собиқ ўринбосари. 1940 йилдан КПСС аъзоси, республика аҳамиятига молик шахсий пенсияовер Иван Михайлович Федоренко ўзг давом этган оғир насалликдан суқ 74 ёшида вафот этди.

Иван Михайлович Федоренко 1900 йилда Курск областининг Грайворонек районидagi Глогово-Замедельева қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилди. У 1918 йилда қўригилди бўлиб Қизил Армия сафига кирди ва гравдоқлар уруши фронтларида жанг қилди. Иван Михайлович 1925 йилда Харьков қишлоқ хўжалик институтини, 1928 йилда эса халқ хўжалиги институтини тамомлади.

И. М. Федоренко 1942 йилда Ўзбекистонга келди ва бу ерда дастлаб агроном, 1944 йилдан эса Ўзбекистон қанд лавдаги грегстининг бошқарувини булаб ишлайди. У 1950

йилда Тошкент область иқрония комитети раисининг ўринбосарлигига сайланди. Иван Михайлович 1952 йил март ойида республика озиқ-овнат саноати министрлигининг ўринбосари этиб, 1953 йил июнь ойидан эса Ўзбекистон ССР маданият министрлигининг ўринбосари этиб таъинланди.

И. М. Федоренко яқинчи ва учинчи қаңирқч Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига, меҳнатташлар депутатлари Тошкент область ва шаҳар Советларига депутат қилиб, КПСС Тошкент область комитетининг пленуми ва бюро аъзоллигига сайланган эди.

И. М. Федоренко Ўзбекистон ССР Маданият министрлигининг ўринбосари бўлиб ишлаганда республикада маданий қурилишни ривожлантириш учун жуда кўп куч сарфлади. У кўнлаб маданий муассасаларни қуриш ва ташкил этишда шахсан иштирок қилди, уларнинг ишини яхшилаш ва ривожлантиришга доимо ғамхўрлик қилди.

И. М. Федоренко принципиал коммунист, ҳошражаоб ва кишиларга меҳрибон, яхши ташкилотчи раҳбар эди. У ўзининг диннашлиги, маданият муассасалари ходимларига сезгир муносабати туфайли уни билган ва билан бирга ишлаган кишилар ўртасида катта ҳурмат ва меҳру-муҳаббат қозонди.

И. М. Федоренко амалий фаолиятида ўзини илхотда софидил ва камтарин киши сифатида намоян қилди. И. М. Федоренконинг ёрқин ҳоли-раиси қатлимизда ҳамма сақланади.

Бир гурупа ўртоқлари.

Редактор М. ҚОРИЕВ.



Тошкент тўқимачилик комбинати маданият саройи қошида ташкил этилган ўзбек рақс ансамбли қатнашчилари ўз маҳоратларини тинмай ошириб, катта обрў қозонмоқда. Улар яқинда Иваново тўқимачилари хузурида бўлиб хилма-хил рақс гулдастларини намойиш этишди. Сурада: ўзбек рақсларидан бири ижро этилмоқда.